АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМОНОВА ЗАРРИНА АЛИШЕРОВНА

АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК МУАММОСИ
(Проф. Баҳодир Саримсоқов илмий мероси мисолида)

10.00.07 – Адабиёт назарияси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

УДК: 801.81:82-131(092) Саримсоқов

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) пофилологическим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on Philological Sciences

Раҳмонова ЗарринаАлишеровна
Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммоси
(проф. Б.Саримсоқов илмий мероси мисолида).....3

Рахмонова ЗарринаАлишеровна
Проблема творческой индивидуальности в литературоведении
(на примере научного наследия проф. Б.Саримсокова).....23

Rakhmonova Zarrina Alisherovna
The problem of creative individuality in literary criticism
(On the example of the scientific heritage of Prof. B. Sarimsakov).....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....49

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАҲМОНОВА ЗАРРИНА АЛИШЕРОВНА

АДАБИЁТШУНОСЛИКДА ИЖОДИЙ ИНДИВИДУАЛЛИК МУАММОСИ
(Проф. Баҳодир Саримсоқов илмий мероси мисолида)

10.00.07 – Адабиёт назарияси

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Fil1392 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsuull.uz) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Жўрақулов Узоқ Ҳайдарович**
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Қувватова Дилрабо Хабибовна**
филология фанлари доктори, профессор

Мелиев Сувонқул
филология фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация ҳимояси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети хузуридаги DSc.03/30.12.2019.Fil.19.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2023 йил "18" 01 соат 12⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103. Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, (www.tsuull.uz); e-mail: monitoring@navoiy-uni.uz.)

Диссертация билан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (243 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100100, Тошкент, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 103.Тел.: (99871) 281-42-44; факс: (99871) 281-42-44, ((www.navoiy-uni.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил "9" 01 куни тарқатилди.

(2023 йил «9» 01 даги 1- рақамли реестр баённомаси).

И.И.Адизова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
раиси, филол.ф.д., профессор

Қ.У.Пардаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
илмий котиби, филол.ф.д., доцент

Ш.С.Сирожиддинов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
асосидаги бир марталик илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси,
филол.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида илм-фан ривожига улкан ҳисса қўшган адабиётшунос олимлар, адабий феноменлар, уларнинг илмий мероси ва ижодий индивидуаллигини ўрганиш адабий-эстетик категория сифатида кўпдан буён тадқиқотчилар эътиборини жалб қилиб келмоқда. Айниқса, ижод ва ижодкор, ижодий индивидуаллик, кашфиёт каби тушунчаларнинг илмий-назарий жиҳатлари, ушбу ҳодисаларни шакллантирувчи ижтимоий, генетик, биографик, фалсафий-эстетик ҳамда психологик омиллар, ижодий индивидуаллик акс этган тадқиқотларнинг структураси, улардаги ёндашув усуллари, тадқиқот методлари ҳамда олим эстетик қарашларини тадқиқ этиш адабиёт назарияси тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида филолог-олим шахсиятининг ўзига хослиги, бадиий асар ва илмий-адабий муаммоларга ёндашув тамойиллари, фалсафий-эстетик қарашлари, матн ва манбаларга муносабати; мавзу танлаш, иқтибос келтириш, илмий далиллашдаги индивидуаллиги; илмий концепциясининг ўзига хослиги; ўз давридаги бошқа олимлардан фарқли жиҳатлари; қомусийлик, мантиқийлик каби хусусиятларини тадқиқ этиш адабиётшуносликнинг мукаммал тарихини яратишга хизмат қилади. Шу жиҳатдан, сўз илми ривожига муносиб ҳисса қўшган танқидчилар, адабиётшунос олимлар илмий мероси, уларнинг асарларидаги ижодий индивидуал хусусиятларни ёритишга катта эътибор қаратилмоқда.

Истиқлолга эришганимиздан сўнг адабиётшуносликда пайдо бўлган ижобий тамойиллар бадиий асарни илмий жиҳатдан тўғри, холис ёритиш, ҳаққоний баҳолаш имконини берди. Бунинг натижасида адабиётшуносликда бадиий асар моҳиятини ёритишда биографик, психологик, қиёсий, эстетик, типологик, фалсафий, тарихий, структурал ва бошқа индивидуал усуллар кенг қўллана бошланди. Ўзбек адабиётшунослиги (мустақилликдан кейинги даврда) илмида адабиёт тарихини гўзаллик ва бадиий маҳорат қонуниятлари асосида таҳлил қилишга интилиш тамойиллари кўзга ташланди. Шунинг учун ҳам бу давр адабиётшунослигидаги етакчи хусусиятлар – адабиётшуноснинг илмий-ижодий индивидуаллиги ва маҳорат қирралари, холис тадқиқотлар яратишда мавзуга тарихий-биографик, қиёсий-типологик, тизимли ва муаммоли ёндашувлар, тадқиқотчининг ўзига хос услуби каби муҳим масалаларни ўрганиш фаннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади. «Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, енгилмас саркарда ва арбобларимизнинг жасоратини ёшлар онгига сингдириш, уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак»[1]. Айниқса, ўтган аср охири ва янги аср бошларида ўзбек адабиётшунослигига салмоқли ҳисса қўшган олим, профессор Баҳодир Саримсоқовнинг илмий

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрдаги «Тараққиёт йўлимизнинг шиддати янада ошаверади» мавзусидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, 2018 йил, 29 декабрь.

кашфиётлари, тадқиқотларида қўллаган индивидуал усулларни ўрганиш бугунги авлод учун улкан тажриба вазифасини ўтайди. Олимнинг адабиётшунослик мероси ниҳоятда кенг қамровли бўлиб, уларни фольклоршунослик, мумтоз адабиёт тарихи, адабиёт назарияси ва адабий жараён каби пунктларга бўлиб ўрганиш мумкин. Бу тадқиқотларнинг илмий-назарий кўлами ниҳоятда кенг бўлиб, ўзбек адабиётшунослигининг ажралмас бир қисми, айни пайтда, фан таркибидаги индивидуал ижодий тизим, ижтимоий-маънавий, адабий-илмий жиҳатдан янги ва долзарб ҳодиса сифатида монографик ўрганишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари» мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида»ги 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли фармойиши ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатнинг ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида ижодий индивидуаллик, ижод психологияси, ижодкор лабораторияси, индивидуал маҳорат масалалари бўйича бир қатор тадқиқотлар мавжуд[2], ўзбек адабиётида У.Н.Носиров, Ҳ.Болтабоев, Ш.Ғ.Давронова, М.М.Пирназаровалар илмий тадқиқотларида бадиий ижоддаги индивидуаллик муаммоси тадқиқ этилган. Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммоси илмий асарлар доирасида етарлича тадқиқ этилмаган, бу борада яхлит илмий тадқиқот ишлари яратилмаган бўлса-да, ҳозирга қадар айрим ишларда, хусусан, А.Расулов, У.Норматов, Ҳ.Умуров, Ҳ.Болтабоев, Қ.Йўлдошев, Д.Қуронов, И.Ёқубов, А.Эркинов, У.Жўрақулов, Б.Каримов, Қ.Қаҳрамонов, Б.Йўлдошев каби

[2] Храпченко М. Б. Проблема творческой индивидуальности писателя и развитие литературы. – М.: Советский писатель, 1972; Скупейко Л.И. Проблема творческой индивидуальности писателя в литературно-критических трудах Ивана Франко: Дис. канд. филол. наук. – Киев, 1984.; Лейдерман Н.Л. Творческая индивидуальность писателя как объект изучения// Филологический класс. – М.: 2005. – вып. 14.; Плотникова Н.И. В.К.Арсеньев: творческая индивидуальность писателя. Жанровое своеобразие прозы: Дис. канд. филол. наук. – Владивосток, 2008.; Кубанцев Т.И. Творческая индивидуальность писателя в контексте национально-художественных традиций: Дис. докт. филол. наук. – Саранск, 2006.

адабиётшунос олимларнинг докторлик ва номзодлик диссертацияларида, монография ва мақолаларида, адабиётшунослик ва адабий танқидчиликка оид дарслик ва ўқув қўлланмаларида муаммонинг айрим қирралари, тафсилотлари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилган[3]. Бироқ адабиётшуносликдаги ижодий индивидуаллик назарий муаммо сифатида профессор Б.Саримсоқов тадқиқотлари мисолида махсус тадқиқ этилмаган.

Бу борада олиб борилган тадқиқотлар орасида олимнинг қизлари, адабиётшунос Наргис Шаропованинг «Сукунатнинг мунгли қўшиғи» номли асари Б.Саримсоқов илмий меросига биографик, психологик ва илмий-назарий жиҳатдан чуқур ёндашилганлиги билан алоҳида ажралиб туради[4]. Бироқ бевақт ўлим туфайли олиманинг мазкур кенг миқёсли иши ўз ниҳоясига етмай қолган. Биз, маълум маънода, ана шу тадқиқотнинг давоми сифатида мавзуни батафсил ўрганишни мақсад қилдик.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади профессор Б.Саримсоқов илмий ижодининг индивидуаллиги, илмий кашфиётларининг ўзига хослиги ва бошқа даврдош олимларникидан фарқли жиҳатларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик тушунчасининг моҳияти, илмий ижоддаги индивидуаллик ва уни шакллантирувчи омилларнинг илмий-назарий асосларини ёритиш;

олимнинг халқ ижодига доир энг муҳим тадқиқотларидаги индивидуал қирраларни аниқлаб, уларнинг фольклоршуносликда тутган ўрнини белгилаш;

олимнинг лингвопоэтик таҳлиллари акс этган мумтоз адабиёт ҳамда адабий жараёнга оид асарларидаги кўп қирралилик, қомусийлик ва фалсафийлик хусусиятларини очиб бериш;

профессор Б.Саримсоқов илмий кашфиётларининг ноёблиги, фандаги энг долзарб масалаларга қаратилганлиги, илмий асосланганлиги ва ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб бериш ҳамда тадқиқот натижаларини илмий-назарий умумлаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг объектини профессор Б.Саримсоқовнинг «Ўзбек адабиётида сажъ», «Ўзбек маросим фольклори», «Бадиийлик асослари ва

---

[3] Умуров Ҳ. Таҳлил санъати. –Т.: Ғ.Ғулом нашриёти, 1978.; Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси.–Т.: Фан, 1996.; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. –Т.: ЎзМУ, 2003.; Йўлдошев Б. Ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида услуб ва маҳорат муаммолари. Фил.ф.доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Т.: А.Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти, 2003; Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006; Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: Шарқ, 2007; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. –Т.: Фан, 2006; Жўрақулов У. Ҳудудсиз жилва. – Т.: Фан, 2006; Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: Шарқ, 2007; Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: Янги аср авлоди, 2007; Қаҳрамонов Қ. Адабий танқид: янгиланиш жараёнлари. –Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

[4] Шаропова Н. Сукунатнинг мунгли қўшиғи. – Т.: Фан зиёси. 2021. -Б.180.

мезонлари» номли асарлари ҳамда илмий тўплам, матбуот нашрларида эълон қилинган мақолалари, олим шахсий архивидаги хотиралари, экспедиция кундаликлари ҳамда қўлёзмалари ташкил қилади.

Тадқиқотнинг предметини профессор Б.Саримсоқов илмий асарларидаги ўзига хос хусусиятлар, олимнинг ижодий индивидуал усуллари, илмий лабораториясини ўрганиш масалалари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда тарихий-қиёсий, герменевтик, биографик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик муаммосининг илмий-назарий жиҳатлари, профессор Баҳодир Саримсоқов ижодий индивидуаллигини шакллантирувчи субъектив ва объектив омиллар - биографик, генетик, ижтимоий, маънавий-эътиқодий ва фалсафий асослар; профессионал илмий муҳит, ижтимоий шарт-шароит ва туғма истеъдоднинг олим ижодий индивидуаллигида муҳим ўрин тутганлиги асосланган;

олим асарларида муаммоли таҳлил, қиёсий-тарихий ва типологик методлар етакчилик қилиши; бадиий асарга ёндашув мезонлари тарихийлик, миллийлик ва умуминсонийлик тамойилларига асосланганлиги; талқин ва таҳлиллардаги мантиқийлик, қомусийлик ва фалсафийлик каби хусусиятлар, муаммони очиш ва илмий далиллашдаги маҳорати очиб берилган;

фольклоршунослик, мумтоз адабиёт, адабий жараён ҳамда адабиёт назарияси масалаларини тадқиқ этишда Б.Саримсоқовнинг ижодий индивидуал қирралари, унинг ўз даврдошларидан фарқли жиҳатлари очиб берилиб, тил хусусиятлари ва атама қўллашдаги бетакрорлиги исботланган;

олимнинг эпик жанрларда диффузия ҳодисаси, тўртинчи адабий тур, Навоий ғазалларига оид поэтик синтаксис ва ғазал-мулоқот шаклларига доир илмий кашфиётларининг ўзига хослиги, илмий жиҳатдан янгилиги, долзарблиги ва пухта асосланганлиги каби белгилари очиб берилиб, ижодий индивидуалликка хос илмий-назарий мезонлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

олим илмий-ижодий лабораториясини ўрганиш натижасида профессор Б.Саримсоқов илмий асарларининг индивидуал хусусиятлари аниқланган;

фольклор манбалари, мумтоз асарлар ва замонавий адабиётдаги назарий муаммоларни тадқиқ этишда олим ижодий индивидуаллигининг қирралари ёритиб берилган;

олим илмий мероси ва кашфиётларининг таҳлили асосида адабиётшуносликда эришилган натижаларнинг илмий асослари ва аҳамияти кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув усуллари ва назарий маълумотларни беришда аниқ илмий манбаларга таянилгани, таҳлилга тортилган материалларнинг илмий методлар воситасида асослангани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани, адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик ва унинг ўзига хос жиҳатларига оид тадқиқотларда эришилган илмий ютуқлар ва назарий фикрларни тўлдириши, тадқиқот услуллари ва тамойиллари ҳақидаги назарий қарашлар билан бойитиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти адабиёт назарияси, фольклоршунослик ва адабий жараён бўйича тадқиқотлар учун материал бера олиши, олий ўқув юртларининг Филология ва тилларни ўқитиш (ўзбек тили) таълим йўналишларида «Адабиёт назарияси», «Адабиётшуносликка кириш», «Адабиётшунослик (ўзбек адабиёти)» магистратура мутахассислигида «Фольклоршунослик», «Адабиёт назарияси» каби фанлардан маърузалар ўқишда ва амалий машғулотлар ўтказишда, дарсликлар ҳамда ўқув қўлланмалар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Адабиётшуносликда ижодий индивидуаллик мавзуси тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Профессор Б.Саримсоқовнинг тадқиқотларида ўзбек адабиёти ва фольклоршунослиги манбаларига таянилганлиги, халқ оғзаки ижодининг эртак, достон, маросим қўшиқлари, бадик, кинна, олқиш ва қарғишлар, мотам ёр-ёрлари, латифа, лоф ҳамда бошқа жанрларга оид тадқиқотларидаги индивидуал қарашлар, ўзбек мумтоз адабиётидаги сажъ, қофия, шеърий тизим ва жанрлар билан боғлиқ илмий хулосалардан; адабиёт назарияси, жумладан, Навоий ижодига доир асарларида лингвопоэтик ва академик методлардан самарали фойдаланганлигига оид илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган F1-030 рақамли «Ўзбек адабиёти тарихи» кўп жилдлик монографияни (7-жилд) чоп этиш» (2017-2020) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2022 йил 14 сентябрдаги 04/1-2574-сон маълумотномаси). Натижада, профессор Б.Саримсоқов асарларининг адабиётшунослик такомилидаги ўрни, фольклоршунослик, мумтоз адабиёт, замонавий асарларни ўрганишдаги аҳамияти, олим тадқиқотларида қиёсий-тарихий, типологик, генетик, муаммоли, биографик, лингвопоэтик ва системали усулларни ўзида жо этган академик методнинг самарадорлик даражаси бўйича асосли илмий-назарий хулосалар чиқарилишига асос бўлган;

профессор Баҳодир Саримсоқов илмий меросидаги туркий ёзма ёдгорликларда акс этган мифологик тасаввурлар ва уларнинг фольклорга кўчиши хусусидаги фикрлар, қадимги туркий битиктошлар шаклий тузилиши тадқиқига доир илмий-назарий хулосалардан Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган PZ-20170927147 рақамли «Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи» (2017-2020) мавзусидаги амалий лойиҳа асосида нашрга тайёрланган «Туркий ёзма ёдгорликлар ва фольклор» монографиясининг «Туркий ёзма ёдгорликлар ва мифология» қисмида фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг

2022 йил 12 октябрдаги 01/4-2815-сон маълумотномаси). Натижада, халқ эртаклари, достонлар ва бошқа эпик жанрларининг илмий таснифига доир фикрлар; ўзбек халқ оғзаки ижодидаги бир қатор терминларнинг моҳияти, фольклоршуносликдаги маросим қўшиқлари ва ушбу жанрнинг ўзига хос хусусиятлари, генезиси ҳамда типологиясига оид назарий умумлашмалар; мавсум-маросим қўшиқларининг назарияси, эпик жанрларда содир бўлувчи диффузия ҳодисасига доир илмий хулосалар билан бойитилган;

профессор Б.Саримсоқовнинг халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт, адабиёт назарияси ва адабий жараёнга оид тадқиқотлари ҳақидаги илмий маълумотлардан Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг «Боқий мерос», «Қадрият», «Нажот таълимда» телекўрсатувларининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят телерадиокомпаниясининг 2022 йил 27 апрелдаги 01-12/164-сон маълумотномаси). Натижада, телекўрсатувларнинг мазмунан бой, қизиқарли ва жонли бўлишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 5 та республика илмий-назарий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш эълон қилинган, Ўзбекистон Республикаси ОАК докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 3 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, ҳар бири иккитадан фаслни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 159 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, амалий натижалари ва илмий янгилиги баён қилинган, тадқиқотда олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

“Ижодий индивидуаллик тарихий-биографик, илмий-назарий муаммо сифатида” деб номланган икки фаслдан ташкил топган биринчи боб муаммонинг ўрганилиш тарихи, шунингдек, тарихий-биографик, илмий-адабий омиллари тадқиқига бағишланган.

“Ижодий индивидуалликнинг тарихий-биографик, илмий-адабий омиллари” деб номланувчи биринчи бобнинг биринчи фаслида “индивидуаллик”, “ижодий индивидуаллик” тушунчаларининг моҳияти, индивидуалликни юзага келтирувчи объектив ва субъектив омиллар профессор Баҳодир Саримсоқов илмий мероси мисолида ёритилган.

Адабиётшунос олимнинг ижодий индивидуаллиги – унинг биографияси, илмий тафаккури, эстетик дунёси, фалсафий қарашларини шакллантирган турли омиллар билан чамбарчас боғлиқ. Олим вояга етган оилавий шароит (болалигидаёқ хонадонларида адабий кечалар ўтказилиши, отаси зиёли киши бўлганидан ўғлининг ўқишига эътибор қаратгани, акаси кўмагида пойтахт илмий муҳитига кириб келгани);

Олим шаклланган ижтимоий, илмий-маънавий муҳит (Б.Саримсоқов ўз илмий фаолиятини фольклор асарлари тўпланаётган, уларнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш зарурати туғилган бир пайтда бошлагани, пойтахт илмий муҳитидаги энг кучли олимлар жамоасида иш юритгани);

Профессор таянган асосларнинг Шарқ ва Ғарб фалсафий-илмий дунёсини қамраб олганлигини ундаги ижодий индивидуаллик шаклланишининг объектив омиллари сифатида эътироф этишимиз мумкин. Шунингдек, ижодкорлар авлодидан (олим ота томондан шоир Муллаҳошим Ҳайратий, Мирзо Жалол ва Мирзо Азиз каби ижодкор-хаттотларнинг қондоши) эканлиги, онасидан эрта ажралиб қолиши ва бу воқеликнинг олим онг остида чуқур из қолдириши Б.Саримсоқов ижодий индивидуаллиги шаклланишида муҳим роль ўйнайди.

Биринчи бобнинг **“Муаммонинг адабиётшуносликда ўрганилиши”** деб номланувчи иккинчи фаслида ижодий индивидуалликнинг жаҳон, рус ва ўзбек адабиётшунослигидаги турлича талқинлари таҳлил қилинган.

Жаҳон ва рус адабиётшунослигида М.Б.Храпченко, Е.М.Аксенова, В.И.Бурсов, Б.О.Костелянец, Л.И.Скупейко[5] каби олимлар тадқиқотларида бадиий адабиётдаги ижодий индивидуаллик масаласи илмий-назарий жиҳатдан махсус ўрганилган. Ижодий индивидуаллик масаласини муайян олимнинг илмий мероси мисолида тадқиқ этиш борасида кейинги давр рус адабиётшунослигида Л.Г.Егорова, М.Дзялошинский, С.И.Чупринин, М.А.Фролов, Т.Ю.Никишина, Ж.Ю.Мотыгина[6] каби бир қатор тадқиқотчилар изланишлар олиб борганлар.

Ўзбек адабиётшунослигида У.Жўрақулов, Б.Каримов, И.Ёқубов, Ҳ.Болтабоев[7] каби адабиётшуносларнинг сўз илми намояндалари ижодига

---

[5] Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литаратуры. -М.: Советский писатель,1971; Аксенова Е.М.Лекции по специальному курсу структуры творческой индивидуальности писателя. – Владимир, 1970; Бурсов В.И., Костелянец Б.О. Художественный метод и творческая индивидуальность писателья. – М, 1964; Скупейко Л.И. Проблема творческой индивидуальность писателя в литературно-критических трудах Ивана Франко: Автореф. дис. канд филол. наук. – Киев, 1984.

[6] Творческая индивидуальность писателя: теоретические аспекты изучения: сб. материалов Междунар. научной конф. – Ставрополь:изд-во Ставропольского гос.ун-та, 2008.–296 с; Мотыгина Ж. Ю. С.Довлатов: Творческая индивидуальность, эволюция поэтики: дис.кандидат филологических наук: 10.01.01 - Русская литература. Астрахань. 2001. 175 с; Т. Ю. Никишина. Литературное творчество Мориса Бланшо. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Самара. 2014; С.И.Чупринин. Творческая индивидуальность критика и литературный процесс 1960-1980-х годов. Диссертация на соискание ученой степени доктора филологических наук в форме научного доклада. М.1993.; М.А.Фролов. Проблемы текстологии в научном наследии Ю.Г. Оксмана. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата филологических наук. Москва. 2013.

[7] Ёқубов И. Отажон Ҳошимнинг адабий-танқидий фаолияти: Фил.ф. н. дисс. – Т.: 1993; Каримов Б. Вадуд Маҳмуднинг 20-йиллар адабий танқидчилигидаги ўрни: Фил.ф. н. дисс. – Т.: 1995; Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. –Т.: Фан,1996; Жўрақулов У. Фитратнинг тадқиқотчилик маҳорати. –Т.: ЎзМУ, 2003.

бағишланган илмий асарларида ижодий индивидуаллик масаласи муайян даражада ўрганилган.

Кейинги йилларда муайян адабиётшунос олимларнинг илмий меросини яхлит ҳолда ўрганиш бўйича О.Адизова, Р.Хабохунова, Н.Қодирова, З.Қувонов, Ғ.Шодмонов каби тадқиқотчилар жиддий изланишлар олиб бордилар. Бундай изланишлар натижасида академик Азиз Қаюмов, профессор Абдуқодир Ҳайитметов, профессор Порсохон Шамсиев, профессор И.Ҳаққулов каби олимлар илмий лабораторияси, асарларига хос хусусиятлар ва ижодий индивидуал усуллар муайян даражада ёритилди[8].

Маълумки, ижодий индивидуаллик ҳодисаси фақат бадиий ва адабий-танқидий асарларга эмас, балки илмий асарлар учун ҳам хос ҳодиса ҳисобланади. Негаки, илмий асарда ҳам олимнинг ўзига хос нуқтаи назари, тили, услуби, пафоси, эстетик қарашлари, шахсияти ва ҳоказолар акс этган бўлиб, ушбу жиҳатлари билан бошқа олим асарларидан ажралиб туради. Илмий асарлардаги ижодий индивидуаллик бадиий ёки адабий-танқидий асарлардаги индивидуалликдан бир қатор ўхшаш ва фарқли жиҳатларга эга. Бу учала турдаги ижод намуналари ўртасидаги муштараклик, уларнинг сўз воситасида яратилиши, улар марказида одам ва олам муаммолари туриши, эстетик завқ уйғотишида намоён бўлса, фарқи, улар таянувчи омилларнинг хилма-хиллигида кўринади. Илмий асарлардаги индивидуаллик ўз ичига олимнинг мавзу танлашидан тортиб, иқтибос келтиришигача, унинг шахсияти, ички мени, генетик мансублиги, характери, руҳияти, яшаган даври ҳамда фаолият кўрсатган илмий-адабий муҳити, бадиий асарга ёндашув усуллари, услуби ва тили, фойдаланган методлари, дунёқараши ва тафаккур олами шаклланишидаги илмий-фалсафий асослар каби кўплаб субъектив унсурлардаги ўзига хосликларни қамраб олади. Мазкур фаслда профессор Б.Саримсоқов асарларидаги айни шундай жиҳатлар ижодий индивидуалликнинг муҳим омиллари сифатида тадқиқ этилган.

Олим шахсининг узоқни кўра олиш, мантиқий фикрлаш каби ўзига хос, ноёб интеллектуал, ижодий хусусиятлари, фалсафий-эстетик дунёси, қолаверса, ўз касбига бўлган чуқур меҳри, садоқати асарларида акс этадики, айни жиҳатлар Б.Саримсоқов номли уммоннинг ижодий индивидуаллиги асосини ташкил этувчи муҳим ирмоқлар ҳисобланади.

Диссертациянинг **“Б.Саримсоқов тадқиқотларининг қамров доираси ва илмий-назарий омиллари”** деб номланувчи иккинчи бобида олимнинг

[8] Адизова О. Адабиётшунос Азиз Қаюмов тадқиқотларида биографик методнинг ўрни. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Қарши. 2018; Хабохунова Р. “Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрганилишида академик Азиз Қаюмов илмий мактабининг ўрни. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Андижон. 2020;Қодирова Н. Адабий тафаккур ва услуб муаммолари (И.Ҳаққул ижоди мисолида). Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Бухоро. 2021; Қувонов З.Абдуқодир Ҳайитметовнинг адабиётшунослик фаолияти. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси. – Самарқанд. 2020; Шодмонов Ғ. Порсо Шамсиев илмий лабораторияси: тадқиқ усуллари, тамойиллари, матншунослик тараққиётидаги ўрни. Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. 10.00.10 – Матншунослик ва адабий манбашунослик. -Тошкент. 2021.

фольклоршунослик, мумтоз адабиёт ва адабий жараёнга оид энг муҳим тадқиқотлари таҳлилга тортилган. Б.Саримсоқов илмий мероси:

1. Фольклоршунослик ва фольклор назарияси.
2. Мумтоз адабиёт тарихи ва поэтикаси.
3. Адабиёт назарияси.
4. Адабий жараён муаммоларини ўз ичига қамраб олади. Бироқ тадқиқот олдига қўйилган вазифадан келиб чиққан ҳолда, мазкур бобда олимнинг барча асарлари эмас, энг долзарб ва муҳимлари таҳлилга тортилган. Уларда фойдаланилган метод ва тадқиқ усулларининг ўзига хослиги, бошқа даврдош олимларникидан фарқли жиҳатлари таҳлил асосида кўрсатиб берилган.

Бобнинг биринчи фасли “**Олимнинг фольклор материалларига тарихий-типологик ёндашув усуллари”** деб номланиб, унда олимнинг фольклоршуносликка доир тадқиқотларида қўллаган қиёсий-тарихий, типологик ва бошқа индивидуал усулларнинг афзалликлари ёритиб берилган.

Маълумки, қариндошлик ёки ижтимоий шарт-шароитларнинг бир хиллиги сабабли юзага келувчи ўхшаш, бир хил қонуниятга бўйсунувчи адабий ҳодисалардаги объектив алоқалар – типологик алоқаларни ташкил этади. Адабий ҳодисалардаги типологик ҳодисаларни ўрганиш ижтимоий-тарихий шарт-шароитларнинг бир хиллиги натижасида юзага келган турли халқлар фольклори ўртасидаги яқинликни объектив белгилашга имкон беради[9].

Профессор Б.Саримсоқовнинг фольклор жанрларига тарихий-типологик ёндашувларида типологик алоқаларни оддий адабий алоқалардан фарқлаш хусусияти кўзга ташланади. Бундай ёндашувлар замирида олим умумтуркий фольклор жанрлари поэтикасига оид янги назарий қонуниятларни кашф этди. Хусусан, эпик жанрлар таркибида содир бўлувчи диффузия ҳодисаси Б.Саримсоқовгача бошқа ҳеч бир олим томонидан аниқланмаган, назарий критерийлари ишлаб чиқилмаган эди. «Эпик жанрлар диффузияси»[10] номли 52 бетни ташкил этган мазкур салмоқли мақоладаги мулоҳазалар фандаги энг долзарб муаммо ечимига қаратилган. Бунда домла таҳлил доирасига қадимги мифлардан тортиб, эртак ва достон жанрларигача қамраб олади; диффузия ҳодисаси эпик жанрлар учун типологик ҳодиса эканлигини илмий асосда кўрсатиб беради. Олимнинг бир мавзу юзасидан фикр юритаётиб, бошқа муаммоларга чалғимаслиги, илмий асослашда ишончли манбаларга таяниши, хулосаларининг аниқ ва лўндалиги унинг ижодий индивидуаллигида муҳим аҳамият касб этади.

Б.Саримсоқовнинг йирик олим бўлиб етишишида, қолаверса, унинг илмий-назарий тафаккури такомилида Аристотель, Гегель, А.Н.Веселовский, А.Потебня, Фрейденберг, В.М.Жирмунский, В.Я.Пропп, Е.М.Мелитинский сингари жаҳон олимларининг илмий-фалсафий қарашлари катта таъсир кўрсатган. У “Ўзбек адабиётида сажъ” мавзуидаги номзодлик ишини тадқиқ этиш жараёнида фольклоршунослик, мумтоз адабиёт, адабиёт назарияси ҳамда

---

[9] Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи,1979. –Б.343.

[10] Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси. -Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. –Т.: Фан, 1981. -Б.158.

адабий жараён муаммоларини чуқур ўрганган. Бундай тизимли ўрганиш олимга адабий-тарихий жараёндаги турли ҳодисаларни умумлаштириш ва қиёслаш имконини беради. Худди шундай изчиллик ва кенг қамровлилик, мавзунинг бошқалар эътиборидан четда қолган жиҳатларига диққат қаратиш кабилар кейинчалик олим илмий ижодининг индивидуаллигини шакллантирган энг муҳим омиллар сифатида намоён бўлади. Хусусан, сажъ ўзбек халқ оғзаки ижодида энг кўп қўлланадиган бадиий санъатлардан бири бўлса-да, Саримсоқовгача етарли даражада тадқиқ этилмаган, бадиий ижоднинг турли тарихий босқичларида яратилган насрий асарлардаги сажъ қиёсий-типологик жиҳатдан ўрганилмаган эди. Унинг изчил изланишлари натижасида «Ўзбек адабиётида сажъ» номли монография юзага келди[11]. Бунда олим қадимги туркий ёдномалардан бошлаб, то ўз давригача бўлган туркий тилда яратилган мақол, топишмоқ, эртак ва достонларгача ўрганиб, уларда сажънинг қўлланиш ўринлари, функцияларини аниқлаб, сажъ умумтуркий халқлар насри учун типологик ҳодиса эканлигини илмий асосда кўрсатиб берди. Олим ўрганаётган мавзусига оид ўзидан олдинги фикрларга шунчаки эргашмайди, турли қарашларни ўрганиб, уларнинг ҳар бирига муносабат билдирар экан, мавзу юзасидан ўз шахсий хулосасини тақдим этади. Рус шарқшунослари И.Ю.Крачковский, И.М.Фильштинский, инглиз шарқшуноси Х.Гибб, поляк тадқиқотчиси Т.Ковальский ва рус фольклоршуноси В.М.Жирмунскийларнинг турли халқлар адабиёти борасидаги айрим фикрларига қўшилса, баъзилари билан баҳсга киришади: «И.Ю.Крачковский, Х.Гибб ва И.М.Фильштинскийлар араб шеърияти сажъ асосида пайдо бўлган, дейдилар. Текширишлар шуни кўрсатадики, сажъ туркий халқлар шеъриятини ҳам юзага келтирган омиллардан биридир. Бу эса сажъ араб адабиёти таъсирида туркий халқлар адабиётида пайдо бўлди, деган мулоҳазаларни мантиқан рад этади»[12]. Бундан олим туркий халқлар адабиётидаги сажъ, аввало, шу халқнинг оғзаки ижоди намунаси бўлган, ана шунинг учун ҳам у фольклорда узоқ ва кенг қўлланган, деган хулосага келади. Дарҳақиқат, типологик алоқалар адабий таъсирни инкор этмайди. Миллий адабиётларга халқаро адабиётларнинг кириб келиши адабий муҳитда унга бўлган талаб ва эҳтиёждан дарак беради. Олим бевосита манбалар асосида иш кўргани боис, турли халқлар фольклори ва адабиёти намуналарини қиёсий таҳлил этиб, сажънинг Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётида кенг тарқалган санъат эканлигини кўрсатиб берди. Бу ўринда олимнинг ўзбек адабиёти тарихи ўзга халқлар ижоди заминида эмас, балки ўз фольклори заминида шакллганлиги ҳақидаги концепцияси юзага чиқади.

Бизга маълумки, маросим фольклори мавзуси жаҳон миқёсида А.Н.Веселовский, Ж.Ж.Фрэзер, В.Я.Пропп, Б.Н.Путилов каби олимлар, ўзбек фольклоршунослигида М.Алавия, Ғ.Жалолов, Х.Эгамов, Ж.Юсупов каби тадқиқотчилар томонидан турли йўналишларда тадқиқ этилган[13]. “Фольклор ва

[11] Саримсоқов Б. Ўзбек адабиётида сажъ. –Т.: Фан, 1978. -Б.152.
[12] Саримсоқов Б. Ўша асар. -Б.40.
[13] Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.: Фан, 1964; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976; Имомов К. Ўзбек сатирик эртаклари. – Т., 1979; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари

этнографиянинг асосини аниқлашда инглиз тадқиқотчилари Ж.Ж.Фрэзер маросимларни бирламчи ҳисобласа, В.Я.Пропп ўз изланишларида тарихий ҳақиқатни берувчи манбаларни аниқлашни мақсад қилиб қўяди, тарихни ривожланиш ҳаракати дея тушунтириб, фольклор материалига ҳаракатдаги тарихийлик ифодаси сифатида муносабат билдиради”[14]. Баҳодир Саримсоқов ўз илмий тадқиқотларида айни шундай тамойилларга асосланиб иш юритган бўлса-да, у маросимлар мавзусига ўз концепцияси асосида ёндашади. Унинг маросимга ёндашув концепцияси асосини барча халқлар фольклори учун умумий ўхшашликлар бўлишига қарамай, ягона маданият мавжуд бўла олмаслиги, ўзбек миллатининг ҳам жуда чуқур тарихий илдизлари ва фақат ўзигагина хос маданияти борлиги ҳақидаги қарашлар ташкил этади. Ўзбек маросим фольклори материалларини илмий-назарий жиҳатдан атрофлича ўрганиш асносида “Суст хотин”, “Ё ҳайдар” каби мавсум қўшиқлари, кинна, бадик сингари сўзнинг сеҳр-жоду қудратига асосланган жанрлар, шунингдек, мотам маросими генезиси ва уларнинг бошқа халқ маросимлари билан типологик ўхшашликлари тадқиқида олим шу миллат вакили сифатида ёндашса-да, унинг илмий қарашлари заминида умуминсоний жиҳатлар акс этган. Бунга сабаб, олим дунёқарашидаги кенг қамровлилик, кучли мантиқий тафаккур, ҳар бир ҳодиса моҳиятига, уларни вужудга келтирувчи қонуниятларга чуқур кириб бориш хусусиятлари бўлиб, булар олим ижодий индивидуаллигининг энг муҳим қирраларидир.

Б.Саримсоқовнинг фольклоршунослик муаммолари юзасидан эълон қилган барча тадқиқотларида теран фикр, изчиллик, тизимли тадқиқ кўзга ташланади. Айниқса, “Ўзбек фольклорининг жанрлар таркиби”, “Қадимги давр фольклори”, “Эпик жанрлар диффузияси”, “Фольклоршунослигимиз уфқлари”, “Халқ достонлари таснифи ва оралиқ шакллар масаласи” каби мақолаларида халқ оғзаки ижоди ва миф, фольклор ва замон муносабатлари ўртасидаги ўзаро алоқалар, халқ ижодининг ёзма адабиётга таъсири каби муҳим назарий муаммолари қамраб олинган. Б.Саримсоқов анъанавий фольклор жанрларини ёзма адабиёт билан муносабати масалаларига, оғзаки ижоднинг ҳозирги адабий жараёнда тутган ўрни ва аҳамиятини белгилаш, бугунги кунда фольклор жараёнида юз бераётган ўзгаришларни аниқлаш муаммоларига ҳам биринчилардан бўлиб кўпчиликнинг диққатини қаратган.

Иккинчи бобнинг **“Мумтоз адабиёт, адабиёт назарияси ва адабий жараён муаммоларига оид тадқиқотлар”** деб номланган иккинчи фаслида профессор Б.Саримсоқовнинг мумтоз адабиёт поэтикасига доир асарлари ижодий индивидуаллик нуқтаи назаридан тадқиқ этилган.

Б.Саримсоқов бадиий сўз назариясини муайян бир давр, бўлим ёки йўналиш доирасида эмас, бир бутун тизим сифатида тизимли тарзда тадқиқ этган. Зеро, унинг мумтоз адабиёт тарихи, адабиёт назарияси, ҳозирги адабий жараён ҳамда атамашунослик борасида яратган мағзи тўқ тадқиқотлари, “Қофия ва шеър системаси ҳақида”, “Тажнис”, “Навоий лирикасида ғазал-

---

эртакчилик анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.: Ўқитувчи, 1982; Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Т.: Фан, 1996.

[14] Назарова Ш. Хаёл ва ҳақиқат фольклор ва теология кесимида. – Т.: Мумтоз сўз. -Б.12.

мулоқот шакллари”, “Алишер Навоий ғазалларидаги бир синтактик усул ҳақида”, “Навоий ижодида шеърий мезонлар масаласи” каби мумтоз адабиёт поэтикасига доир мақолалари фикримиз исботи бўла олади.

Б.Саримсоқов ўзбек мумтоз шеърияти унсурлари бўлмиш – байт, қофия, радиф, композицион ўзига хосликлар ҳақида олиб борган тадқиқотлари ҳам илмий-назарий жиҳатдан ниҳоятда пухта ва ўзига хос. Ушбу мавзу юзасидан олим В.Жирмунский, И.В.Стеблева, В.Томашевскийларннг шеършуносликка оид асарларини кўп ўқигани ва тадқиқотларида улардан кенг фойдалангани сезилади. Айниқса, қадимги турк шеърияти спецификацияси, бармоқ тизимининг аруз вазни билан қиёсий-типологик, синтактик-семантик, лексик-морфологик ва бошқа жиҳатлардан ўрганилган тадқиқотларнинг аксарияти ҳақида олим ўз муносабатини билдирган[15].

Б.Саримсоқов модернизм, абсурд сингари адабий-эстетик ҳодисаларга, аввало, шарқона маънавият, ахлоқийлик ва миллий мансублик нуқтаи назаридан ёндашди. Шунингдек, олимдаги кучли мантиқийлик унга ҳар бир ҳодиса моҳиятини чуқур англашда муҳим асос бўлиб хизмат қилган. Истиқлол даври адабий жараёнига хос бўлган ушбу ҳодисалар юзасидан кўпгина адабиётшунос олимлар ўзларининг турлича қарашларини баён этганлар. Б.Саримсоқовнинг улардан фарқи, муаммога миллий асосда, шарқона дунёқараш ва маънавий-ахлоқий қадриятлар нуқтаи назаридан ёндашганида намоён бўлади. Бу борада профессор Эргаш Очилов билан ҳозирги ўзбек шеърияти тараққиёти тамойиллари хусусида олиб борган мулоқотида кенг тўхталган. Модерн ва модернизм, экзистенциализм ва абсурд сингари атамалар моҳиятини чуқур таҳлилини келтириб ўтган. Ушбу мавзу юзасидан кечган баҳсларда Б.Саримсоқов фикрлари Сувон Мели, Ш.Холмирзаев, П.Қодиров билан қарашлари ҳамоҳанг бўлса, У.Норматов, Д.Қуронов, У.Ҳамдам сингари адабиётшунослар мулоҳазалари аксинча унда эътироз уйғотади. Б.Саримсоқовнинг бу борадаги илмий-назарий хулосалари миллийлик ва тарихийлик тамойилларига асосланганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ижодкор индивидуаллиги ҳақида сўз кетганда, олимнинг шахий услуби, тил хусусиятлари ва ҳавола келтириш маҳоратига ҳам тўхталиш муҳимдир. Б.Саримсоқов ўз илмий асарларида, халқ иборалари, мақоллари ва ҳикматли сўзларидан, афсона ва ривоятларидан, бадиий санъатлардан унумли фойдаланганини кўпгина тадқиқотлари қатори шоира Ҳалима Худойбердиева ижодига бағишланган “Муҳаббатга фидо шеърият” номли мақоласида кўришимиз мумкин. Айниқса, олим дастлаб халқ оғзаки ижодида пайдо бўлиб, кейинчалик ёзма адабиётда тараққий этган вазнли насрнинг кенг имкониятларидан фойдаланиб, ўз тадқиқотларида ундан самарали фойдаланади. “Ҳ.Худойбердиева шеърларидаги ҳар бир образ, ҳар бир поэтик бўёқ, ҳар бир рамз, ҳар бир ташбеҳ деҳқон даласининг ***тароватига,*** она алласининг ***балоғатига***, иболи аёлнинг қалб ***торларига***, меҳнат кишисининг

[15]Стеблева И.В. О проникновении арабо-персидских метров в гпюркоязычную поэзию. — «Проблемы теории литературы и эстетики в странах Востока». М.:1964;Арабо-персидская теория рифмы и тюркоязычная поэзия. М.:Наука, 1966. -С.246-254; Преодоление традиционной тематической нормы в газели Бабура. Тюркологический сборник. М.:Наука, 1978. -С. 226-233.

қадоқ ***қўлига***, ҳақиқий инсоннинг ибратли ҳаёт ***йўлига*** бўлган шоиранинг қайноқ муҳаббатидан туғилган”[16]. Келтирилган мисолдаги ҳар бир ритмик бўлак бир-бирига ҳамвазн ва ҳамоҳангдир:

деҳқон даласининг тароватига - 11 бўғин
она алласининг балоғатига - 11 бўғин
иболи аёлнинг қалб торларига - 11 бўғин
меҳнат кишисининг қадоқ қўлига - 11 бўғин
ҳақиқий инсоннинг ҳаёт йўлига -11 бўғин

Бу ўринда насри муражжаз – яъни Шарқ халқлари адабиётида ***вазнли наср*** деб юритилувчи наср тури қўлланилган. Бундай насрда ҳар бир гап икки ва ундан ортиқ ритмик гуруҳга бўлиниб, ҳар бир ритмик гуруҳ эса ўзаро бир-бирига вазндош бўлади[17]. Бу жиҳатдан олимнинг ижодий индивидуаллиги ўзи илмий жиҳатдан чуқур ўрганган сажъ санъатини тадқиқотларида қўллаб, илмий асарга ҳам ўзига хос оҳанг, тароват олиб киргани, бундай асарлар кишига эстетик завқ бағишлаши мумкинлигини амалда исботлаганида кўринади.

Диссертациянинг учинчи боби **“Б.Саримсоқов ижодида илмий кашфиётларнинг ўрни ва ўзига хослиги”** деб номланган бўлиб, бунда олимнинг адабиётшуносликдаги тўртинчи адабий тур – паремия; Навоий ижодига оид ғазал-мулоқот ва шоир поэтик-синтаксисидаги анжамбеман ҳодисаси кашфиётларининг ўзига хослиги тадқиқ этилган.

Бобнинг **“Адабиётшуносликда тўртинчи адабий тур масаласи”** номли биринчи фаслида олимнинг энг муҳим илмий кашфиёти паремия хусусида фикр юритилган. Ушбу кашфиётни юзага келтирган омиллар, бу борада олим таянган тамойилларнинг индивидуаллиги, кашфиётнинг илмий жиҳатдан пухталиги ва асосланганлиги каби масалалар тадқиқ этилган.

Олимнинг паремик тур ҳақидаги илк жиддий тадқиқоти «Адабий турлар ҳақида мулоҳазалар» номи остида «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида 1993 йилда эълон қилинган. Мазкур мақоласида у адабий турлар таснифининг жаҳон адабиётшунослигида ўрганилиши тарихи, жаҳон олимларининг бу борадаги изланишларига батафсил тўхталиб, Арастудан бошлаб, Гегель, В.Г.Белинский, Л.И.Тимофеев, Г.Н.Поспеловларнинг адабий турлар таснифига доир қарашлари, турларга ажратишдаги ёндашув принциплари ва воситалари, улардаги бир-бирига яқин ҳамда фарқли жиҳатларни ажратиб кўрсатади. Адабий турларни фақат мимесис принципи орқали тасниф қилиш оқибатида ана шу принцип талабларига тўғри келмайдиган бир қанча адабий ҳодисалар адабий турлар доирасидан тушиб қолиши, олим тафаккурида «адабий ҳодисалар орасида мимесис орқали яратилмайдиганлари ҳам бор» деган фикрни уйғотади. Бундай ҳодисаларда «воқеликни ҳикоя қилиб бериш, кечинмалар орқали ифодалаш, қаҳрамонлар хатти-ҳаракати ва нутқи орқали кўрсатиш принципи эмас, балки воқеликни кузатиш орқали тўпланган тажрибалар орқали образли баҳолаш ва у ҳақда ҳукм чиқариш принципи

[16] Саримсоқов Б. Муҳаббатга фидо шеърият// Ўзбек тили ва адабиёти. 1992, №2, -Б.6.
[17] Хотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.:Ўқитувчи. 1979, -Б. 259.

етакчилик қилади»[18], дея унинг асослари, ўзига хос хусусиятлари ҳамда жанрлар таркибини кўрсатиб беради.

Олим мазкур мақоласида паремик турга мансуб жанрларнинг иккита муҳим хусусиятини ажратиб кўрсатади. Булар: а) ифодаланган ғоя халқнинг кундалик турмушида кўп йиллар мобайнида тажрибада синовдан ўтганлиги сабабли ҳеч бир шахсда шубҳа уйғотмайди; б) ҳеч кимда шубҳа, эътироф уйғотмайдиган ғоя ифодаловчи асар халқнинг барча вакиллари томонидан бир хилда тенг истифода этилади; уни ҳеч бир шахс меники деб ўзлаштира олмайди[19]. Шунингдек, ушбу турга оид жанрлар қаторига мақол, матал, топишмоқлардан ташқари юмуқ ифодалар, афоризмлар, образли ифодалар, қанотли сўзлар, мантиқли ва ғайримантиқий ифодаларни ҳам киритади. Ҳолбуки, бундай ифодалар Саримсоқовгача тилшунослик объекти сифатида қараб келинар эди. Олим уларни илк бор адабиётшунослик объекти сифатида ўрганишни таклиф қилади.

Б.Саримсоқов таклиф этган паремик турнинг муҳим критерийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Бу тур бошқа адабий турлардан ўзининг нисбатан барқарор табиати ва таркибида ақлий нисбатнинг устунлиги билан фарқланади;

2. У мимесис эмас, балки матезис қонуниятига асосланади;

3. Бошқа адабий турлардан фарқ қилувчи ўзига хос кристалл шаклга эга;

4. Кўпчилик томонидан тан олинган, синовдан ўтказилган билим ва тажрибаларга асосланади;

5. Қисқа ва лўнда ҳукм тарзида ифодаланади;

6. Мақол, матал, топишмоқ, ҳикматли сўз, муаммо, фард, иборалар, парадокс ва бошқа жанрлари мавжуд.

